Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 175 (4891).

5 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари Республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1972 йилнинг тўртинчи кварталида ва 1973 йилнинг биринчи ярмида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиб, Қорақалпоғистон АССРни, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона областларини ҳамда Қамаши, Янгиқўрғон, Киров, Китоб, Чимбой, Москва, Оржоникидзе, Иштихон, Когон, Ворошилов ва Янгиариқ районларининг чорвадорларини республика социалистик мусобақаси ғолиблари деб топдилар ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Қизил байроқлари билан мукофотладилар ҳамда пул мукофотлари бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети социалистик мусобақа ғолиблари—область, район, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, колхоз ва совхозлар, чорвачилик фермалари ва бригадаларининг коллективларини қизғин табриклайдилар ҳамда республика чорвадорлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

УЧ КОЛХОЗ РАПОРТИ

Янгийўл районидаги уч колхоз ғалаба рапортини берди. Улар қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда улкан зафарларни қўлга киритишмоқда. Районда биринчи бўлиб «Интернационал» колхозининг полизчилари йиллик планини 100 процентдан ошириб адо этдилар. 800 тоннага яқин ширин-шакар тарвуз етказиб берилди. Сабзавот тайёрлашда ҳам хўжалик деҳқонлари катта ютуқларни қўлга киритяптилар. Улар янги мажбурият олишган ҳолда маҳсулот топширишни давом эттирмоқдалар.

Х. Турсунқулов номли колхоз боғбонларининг эришаётган ютуқлари қувончлидир. 225 тоннадан ортиқ мева сотилди. Хўжаликда олма ва бошқа меваларни узиш ҳамда тайёрлов пунктларига жўнатиш қизғин давом этмоқда.

«Ленинизм» колхози боғбонлари ҳам мева узишни қизғин давом эттириб, пландан ташқари маҳсулот топширишмоқда.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ V КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ОЛМАОТА ШАҲРИ

Совет Қозоғистонининг пойтахтида ўзларининг V конференциясига йиғилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларини самимий табриклайман.

Ун беш йилдан кўпроқ вақтдан буён иш кўриб келаётган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг самарали фаолияти халқлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг ўсишига, тинчлик, озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт идеаллари учун курашга ёрдам бермоқда. Адабиётнинг юксак ижтимоий мақсадларига ишонч, унинг тинчлик, инсонпарварлик ва тараққиёт принципларига бўлган садоқат шу ҳаракат қатнашчиларини бирлаштириб турибди.

Ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари асосида халқаро муносабатлар қайта қурилганлиги туфайли планетанинг сиёсий иқлимида ижобий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда алоқаларнинг кенгайиши ва маънавий бойликларни самарали айирбошлаш Осиё ва Африка мамлакатларининг ижодий зиёлиларига тинчлик, миллий-озодлик ва социал адолат учун курашаётган барча кучлар бирлигини янада мустаҳкамлашда актив қатнашмоқ учун янги-янги имкониятлар очиб беради. Кескинликни халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос тарзда камайтириш жараёни бутун ер куррасини қамраб олишига ёрдам бериши сўз санъаткорлари олдида турган юксак ва олижаноб вазифадир.

Совет кишилари Осиё ва Африка халқларининг империализмга қарши, мустамлака ва ирқчилик зулмига қарши олиб бораётган эрксевар кураши билан доимо бирдамдирлар. Ветнамдаги уруш ватанпарвар кучларининг ғалабаси билан тугади; Биз Ҳинди-Хитойдаги барча халқларнинг ўз ҳаётларини четдан бирон давлатнинг аралашувисиз ўзлари бошқариш ҳуқуқи учун олиб бораётган одилона кураши муваффақиятга эришувига қаттиқ ишонамиз. Биз яқин Шарқда одилона тинчлик ўрнатиш учун Исроил агрессиясига қарши босиб олинган араб территорияларида агрессор кўшинлари олиб чиқиб кетилиши учун ҳамда Фаластин—араб халқининг қонуний манфаатлари таъминланиши учун кураш олиб бораётган араб халқларини қўллаб-қувватлаймиз. Биз Африка халқларининг мустамлака ва ирқчилик режимларини тугатиш учун олиб бораётган курашини доимо қўллаб-қувватлайверамиз.

Совет кишилари миллий-озодлик курашини ҳаққоний ва ёркин акс эттираётган, ёш миллий давлатларда янги ҳаёт қуришда актив қатнашаётган Африка ва Осиё прогрессив ёзувчиларининг ижоди ва ижтимоий фаолиятига гоят қизиқиб қарамоқдалар. Шу мамлакатларнинг ёзувчилари энг яхши халқ анъаналарини камол топтира борib, инсон ақл-идрокига, социал тараққиёт, эркин ривожланиш ва миллий уйғониш, чинакам яхши қўшничилик, маданиятларини ўзаро бойитиш йўлидан бораётган халқларнинг битмас-туганмас ижодий имкониятларига ишонч билан тўлиб-тошган бадиий асарлар яратаяптилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик, жонли ва самарали алоқа руҳи Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияларига доимо ҳамроҳ бўлиб келди. Олмаотадаги конференцияда ҳам мана шу руҳ тантана қилаверсин. Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчилари ҳаракати тарихида Олмаота конференцияси тинчликни ҳимоя қилишни, маданият ютуқларини ўз замондошлари учун, келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш ва ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган маданият арбобларининг кардошларча ҳамдўстлигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолсин!

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари V конференциясининг қатнашчилари муваффақиятли иш олиб боришларини ҳамда тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт йўлида катта-катта ижодий зафарларга эришишларини чин қалбимдан тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

УРТОҚ А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия президенти У. Кекконен билан 2—3 сентябрь кунлари Ленинградда учрашганидан сўнг Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА МАҲСУЛОТ ТОПШИРАЁТИРМИЗ

Колхозимиз аъзолари Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўзларининг беш йилликни тўрт йилда бажариш тўғрисидаги ваъдаларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилиб бу йил картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштирдилар. Шунинг учун колхозимиз давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик планини муддатидан илгари — 3 сентябрда шараф билан бажарди. Пландаги 960 ўрнига 1112 тонна картошка етказиб берилди. Сабзавот сотиш плани 100 процентдан ошириб юборилди. Шаҳарликларга 4280 ўрнига 4291 тонна сабзавот жўнатилди. Мева тайёрлаш плани ҳам муваффақиятли адо этилди. Узумзорларимизда бу йил ҳосил жуда мўл. Биз шу кунларда давлатга узум етказиб бериш ишларини жадал олиб бормоқдамиз.

Колхозимиз аъзолари ўзларининг ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга яна пландан ташқари 350 тонна картошка, 2000 тонна сабзавот, 100 тонна ҳар хил резавор экинлари маҳсулоти, 50 тонна қовун-тарвуз, 50 тонна мева, 300 тонна узум етказиб бериш ва ишлаб чиқариш планларини экинлар турлари бўйича ошириб бажаришга қарор қилдилар.

Колхозда чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида барча тадбирлар кўрилмоқда. Шу кунгача тухум топшириш йиллик плани 200 процент бажарилди. Сигирлардан саккиз ой давомида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда кўплаб сут соғиб олинмоқда. Колхоз чорвадорлари пландан ташқари 50 центнер гўшт етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Биз дала ишларини қизғин давом эттирмоқдамиз. Кечки экинлар парваришида меҳнат қилаётган колхозчилар ва механизаторлар белгиланган нормаларни ошириб адо этмоқдалар. Шаҳарликларга картошка, сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришни тобора кўпайтирмоқдамиз.

Биз бу йил, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида барча соҳалар бўйича социалистик мажбуриятларни ошириб адо этамиз ва беш йилликни тўрт йилда бажариш тўғрисидаги сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз.

С. МУҲАММАДЖОНОВ,
Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган агроном.

Н. МИРЗАХЎЖАЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Н. БОИМУҲАМЕДОВ,
колхознинг бош агрономи.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ У. КЕККОНЕННИНГ СССР ДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Финляндия республикаси президенти Урхо Калева Кекконен 2-3 сентябрда ғайри расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди. Президент Ленинградни, шунингдек Светагорский целлюлоза қоғоз комбинатини бориб кўрди. Финляндия Фирмалари шу комбинатни реконструкция қилишда қатнашмоқдалар.

Визит кунларида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин президент У. Кекконен билан учрашди ва суҳбатлашди.

Суҳбат давомида Совет-Финляндия муносабатларига доир масалалар батафсил қараб чиқилди. Томонлар бу муносабатларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда муваффақиятли ривожланаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар. СССР Министрлар Советининг Раиси билан Финляндия президенти Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йилги шартнома асосида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш учун барча зарур чораларни кўришга ҳар иккала мамлакат интилишини таъкидлаб ўтдилар.

У. Кекконен ва А. Н. Косигин халқаро вазиятга доир масалалар тўғрисида фикрлашиб жаҳонда ва биринчи навбатда Европада халқаро кескинлик камаяётганлигини таъкидладилар. Улар барча мамлакатларнинг биргаликдаги куч ҳаракати билан бу жараённи тинмай давом эттиришга катта аҳамият бердилар. Томонларнинг фикрича Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг иккинчи ва учинчи босқичларини асоссиз равишда чўзиб юбормасдан муваффақиятли тугаллаш шу мақсадга эришишга имкон берган бўлур эди.

Европада савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболларини қараб чиқишга катта эътибор берилди. СССР ва Финляндия ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлат ўртасидаги бундай ҳамкорликни бирон бир тарзда камситишга йўл бермаган ҳолда умум-Европа миқёсида ривожлантиришни зарур, деб ҳисоблайдилар ва ўз томонларидан бу йўлда доимо куч-ғайрат сарфлайдилар.

Финляндия республикасининг президенти У. Кекконен 3 сентябрда Светагорскийдан ватанига жўнаб кетди.

„ОҚ ОЛТИН“ КАРВОНЛАРИГА ОҚ ЙЎЛ!





Пискент район маркази бугун одатдан ташқари гавжум. Ҳар хил шиорлар билан безатилган ва Ленининг катта портрети ўрнатилган машина шаҳар марказига кириб келди. Машинага Ленин номли колхоз пахтакорлари етиштирган «оқ олтин»нинг дастлабки тонналари ортилган. Булар орқасида Охунбобоев номли, Свердлов номли, Тельман номли, Калинин номли, «Гулистон» колхозлари ва 1, 2-«Пискент» совхози пахтакорлари ҳам дастлабки нукраларни эл-юртга армуғон этиш учун ошиқишмоқда.

Қизил карвонга бағишланган митингни район партия комитетининг биринчи секретари С. Воҳидов очди. Ў «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи К. Алиевга сўз беради.

— Колхозимиз аъзолари бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга, бригадамиз аъзолари эса 50 центнерга етказишга ваъда беришган. Партия ва халқимиз олдида берган сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз.

— Биз бу йил давлатга 4500 тонна пахта сотамиз. Ҳосилнинг 80 процентни машинада терилади. Терим даврида четдан ишчи кучи олмасликка, мактаб болаларини ўқишдан қолдирмасликка қарор қилдик. Барча ҳосилни ўз кучимиз билан йиғиб оламиз, — дейди Охунбобоев номли колхоз раиси Абдуқул Холиқулов.

Митингда Тельман номли колхоз механизатори Назира Ҳайдарова, пахта заводининг директори К. С. Губаров, шаҳар Советининг раиси О. Зокиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пискентликларнинг бу йилги режалари улкан. Улар халқ хўжалик планини сентябрь ойида 75 процент, 7 октябргача 100 процент бажаришмоқчи.

Б. ХАЛИЛОВ

Суратларда: (ўнгда) дастлабки ҳосил тантаналари. Қизил карвон қабул пунктларига йўл олмоқда.

А. АБАЛЯН фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан ва техника соҳасида Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг тақдимини қараб чиқиб, қарор қиладилар:

Фан ва техника соҳасидаги катта илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ишлар учун қуйидагиларга 1973 йилги Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари берилсин:

1) **С. Х. Сирожиддинов, Т. А. Азларов, М. Маматов, Ш. К. Фармоновга** — эҳтимоллик назарияси чекланган теоремалари ва уларни қўлланиш юзасидан тадқиқотлар цикли учун;

2) **Р. А. Алимов, Н. М. Решеткина, Х. Еқубов, Б. А. Михельсон, С. Мамараслов, В. А. Духовний, Г. Д. Антоновга** (марҳум) «шўрхок ерларни тубдан мелиорациялаш мақсадида тик зовур ишлаб чиқиш ва жорий этиш» соҳасидаги иши учун;

3) **Р. Б. Бекжонов, Д. А. Гладишев, А. И. Мўминов, Ф. С. Оқиловга** — атом ядроларидаги электрон-магнит ўтишларни тадқиқ қилиш соҳасидаги ишлар цикли учун;

4) **Ҳ. Т. Зарипов** (марҳум), **Т. Мирзаев, М. И. Афзалов** (марҳум), **М. А. Алавия, Ш. Шоабдураҳмонов, З. Хусанновага** — халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли бадиий меросини тадқиқ қилиш ва чоп этиш (8 китобдан иборат) ишлар цикли учун;

5) **А. А. Аъзамхўжаев, Ш. З. Ўразаевга** — СССР халқлари совет миллий давлатчилиги қурилишида, СССР составида Ўзбекистон Совет Социалистик давлатини вужудга келтириш ва ривожлантиришда В. И. Ленининг ролига ҳамда ленинча назарий меросининг аҳамиятига бағишланган ишлар цикли учун.

САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА ВА УЗУМ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Кеча хабар қилинганидек, сабзавотчилик, картошкачилик, богдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантиришга бағишланган область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни область партия комитетининг биринчи секретари **М. К. Камолов** сабзавотчилик, картошкачилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида доклад қилди.

КПСС XXIV съезди Совет кишиларининг деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш юзасидан тўққизинчи беш йилликка мўлжалланган программани белгилаб берди,— деди докладчи. Партия Марказий Комитетининг съезддан кейинги бўлган Пленумларида аҳолини сабзавот, картошка, полиз, узум, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш тадбирларини амалга ошириш масаласи кенг муҳокама қилинди ва тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка, сабзавот ва мева етиштиришни кўпайтириш, бу маҳсулотларни тайёрлашни яхшилаш, аҳолини ана шу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганликни кенг муҳокама қилди. Кейинги йилларда область сабзавоткор хўжаликлари ва соҳибкорлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар ва бу соҳада дастлабки натижаларни қўлга киритаётирлар. Колхоз ва совхозларда маҳсулдорликнинг ошаётганлиги, аҳолини йилнинг ҳамма фаслида сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни амалга ошириш учун теплица хўжаликлари ривожлантирилаётганлиги, эртанги маҳсулот етиштиришда полиэтилин пленкалари тагида экин ўстириш қўпайтирилаётганлиги партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳада белгилаган қарорларини муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Докладчи таъкидлаганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Тошкент ва бошқа шаҳарлар меҳнаткашларини, шунингдек, Иттифоқимиз марказий районлари аҳолисини сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум билан таъминлаш ишини тобора яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар ва бу соҳада конкрет тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги пайтда картошка, сабзавот, ковун-тарвуз, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштираётган, эл дастурхонини бундай ноз-неъматлар билан мўл-кўл қилаётган хўжаликлар қўпайиб бормоқда. Калинин, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Оҳангарон районларининг юқоридаги маҳсулотларни етиштиришга тўла ихтисослаштирилганлиги саноат корхоналари кўп бўлган Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бекобод районларида сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бригада, бўлим, колхозларда ишни яхшилаш тўғрисида зарур тадбирлар амалга оширилганлиги халқ фаровонлиги тўғрисида партия ва ҳукуматимиз оталарча ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин мисолидир.

Бугунги кунда биз халқимиз учун кўплаб маҳсулот етиштириб бераётган Калинин районидаги Карл Маркс номли, «Ленин йўли» Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Оржоникидзе районидаги «Правда», Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозлар, Оққўрғон районидаги «Огонёк» совхози (директори М. Отажонов) каби хўжаликлар, уларнинг азамат сабзавотчилари ва соҳибкорлари илғор тажрибани тўла амалга ошириб, фан ютуқларини турмушга моҳирлик билан тадбиқ этиб, ердан кўплаб унум олмоқдалар, боғлар, узумзорлар майдонини кенгайтирмоқдалар, хўжаликларининг даромадини кўпайтирмоқдалар, шаҳарлар аҳолиси дастурхонини мўл-кўл қилиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Биз номи дунёга таралган боғбонлар отахони, сал кам бир аср яшаётган Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг номини ҳамиша улуғлаймиз. Бу табаррук отахон республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда, айниқса Тошкент областидаги жуда кўп колхоз ва совхозларда янги усулда боғлар барпо этишда зўр фидокорлик, қунт билан иш одиб борди. Ризамат ота ташкил қилган боғлар бугунги кунда минглаб гектарни эгаллаб ётибди. Шунингдек, академик Р. Р. Шредер номли институт олимлари ва соҳибкорлари кейинги йилларда янги, серҳосил мева навларини яратишда жуда катта ишлар қилмоқдалар. Институт илмий коллективида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Шу институт тажриба хўжаликларида етиштирилган узум, олма, нок, ёнғоқ ва бошқа меваларнинг халқимизга манзур бўлаётган навлари серҳосиллиги, йиғиштириб олишга осонлиги, тез ҳосилга киришлилиги билан ҳаммани қувонтирмоқда.

Шунингдек, узумчилик соҳасида кўп йиллардан бери жуда яхши ишлар келаётган Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг ажойиб соҳибкори, Ленин ордени бригада бошлиғи Худойназар Умаров узумчиликда янги методларни қўлламоқда. У раҳбарлик қилаётган бригада ўтган йили гектаридан 260 центнердан узум етиштирди. Мирзакор боғбонларнинг бу йилги мажбурияти гектаридан 300 центнердан узум олиш.

Областимизда боғдорчилик, узумчиликни ривожлантираётган хўжаликлар қаторига Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр саноати комбинати, Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхози, Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз ва бошқа жуда кўп хўжаликларни киритиш мумкин.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳали областимизда ғи жуда кўп хўжаликлар сабзавот, картошка, боғ ва узумзорлардан, полиз экинларидан бугунги талаб даражасида ҳосил олмаётирлар. Кўпгина районларда картошкадан сарф қилинаётган уруғдан сал кўпроқ ҳосил олинмоқда. Сабзавот ҳосилдорлиги ҳам жуда паст. Масалан, Калинин районидаги кўпгина колхоз ва совхозлар гектаридан 120—150 центнердан картошка, 250—300 центнердан сабзавот ҳосила олаётганлари ҳолда, Бўка, Бекобод районларида бу экинлар ҳосилдорлиги 60—70 центнерни ташкил этмоқдаки, ана шу районлар партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари бу ишга мутлақо эътибор бермаётганликларини кўрсатади.

Республика партия ва ҳукумати областимиз партия ва совет ташкилотлари олдига аҳолини йилнинг ҳамма фаслида маҳсулотлар билан мўл-кўл таъминлаш вазифасини қўймоқда. Бунинг учун даставвал теплицалар майдонини кенгайтиришимиз, полиэтилен пленкалари билан ёпилган далаларни кўпайтириш ва у ерларда мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил олиш учун қурашишимиз, бу соҳадаги ишларимизни тобора яхшилаш учун ҳаракат қилишимиз зарур. Ана шу муҳим вазифа партия ташкилотлари диққат марказида бўлиши керак. Кейинги йилларда областимиз колхоз ва совхозларида бу соҳада бир мунча ишлар қилинган бўлса ҳам, лекин ҳали у талабга тўла жавоб бермайди. Теплица, полиэтилен пленкалари билан беркитилган далалар майдонини янада кенгайтириш учун республикамизнинг қатор министрликлари, қурилиш ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари зарур. Аммо теплица қурилишини тезлаштириш иши зиммасида бўлган баъзи қурилиш ташкилотлари, айниқса «Узсельэлектрострой» трестининг коллективи мутлақо қониқарсиз ишламоқда. Катта-катта заводлар ҳозирги пайтда бир-бир ярим йил давомида қуриб битказилаётгани ҳолда бу трестга қарашли қурилиш-монтаж идоралари тўрт-беш гектарлик теплицаларни беш-олти йил давомида ҳам қуриб фойдаланишга топшираолмаётирлар. Бу трестнинг раҳбарлари ҳамма вақт монтаж ускуналари етишмаётганлигини баҳона қилиб, теплицалар қурилиши ишини сусткашлик билан олиб бормоқдалар.

Шаҳарлар аҳолисини деҳқончилик, богдорчилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш вазифаси партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турганига қарамай, кўпгина колхоз ва совхозлар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ҳам бу ишларга ҳали ҳам лозим даражада эътибор бермаётганликлари ажабланарли бир ҳолдир.

Тошкент ва шунингдек республикамиз аҳолиси йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини қондириш учун республика партия-ҳукумати катта тадбирларни амалга оширмоқда. Чорвоқ денгизи, Ҳамдам канали зонасида, Ҳарқент, Оҳангарон сув омборлари атрофида, картошка, сабзавотчилик, богдорчилик, узумчиликни кенг кўламда ривожлантириш ҳаракати бугунги кунда қизғин тус олаётир. Яқин йиллар ичида Чорвоқ денгизи атрофида серҳосил далалар, ширин-шакар меваларга кон бўлган боғу-роғлар бунёд этилади. Оҳангарон ва Паркент сув омборлари қуриб битказилгач, Ҳамдам канали қурилиши охирига етказилгач, аср лар бўйи со ҳдирлар бўлиб ётган поёнсиз ерлар нозу-неъмат конига айлантирилади.

Халқ фаровонлиги, турмуш мўл-кўллиги йўлида қилинаётган бу ишлар партия ва ҳукуматимизнинг Совет кишилари тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрлигидир.

Тошкент области чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам салмоқли ўрин тутади. Сўнгги йилларда сигирлардан сут соғиб олиш бир мунча кўпайтирилганлиги, гўштга топширилаётган молларнинг юқори семизлигида бўлаётганлиги қувончли фактлардандир. Калинин районидаги Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозлари сигирлардан кўпроқ сут соғиб олишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бу хўжаликларда беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳар бир сигирдан 4—4,5 минг килограммдан сут соғиб олиш мўлжалланмоқда. Ерлари, боғлари, фермалари Тошкентга жуда яқин бўлган бу хўжаликларнинг аъзолари экинзорлари тобора кисқариб бораётган бўлса ҳам, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўплаб маҳсулот етиштирмоқдалар. Сигирларни боқишни яхши йўлга қўйиб, мўлжалдагидан анча кўп сут соғиб олмоқдалар ва бу соҳадаги социалистик мажбуриятларини йил сайин шараф билан бажариб келмоқдалар.

Докладчи область сабзавотчилари маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш, она ватанга мева, узум, ковун-тарвуз етказиб бериш ишини янада яхшилаш йўлида янада зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қиладилар, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажарамиз, зиммаларидаги социалистик мажбуриятга яраша меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланади. Сўз Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **П. Юсуповга** берилади. У район колхоз ва совхозлари бу йил 75 минг тонна сабзавот, 15 минг тонна картошка, 25 минг тонна мева етиштириш учун курашаётганликлари тўғрисида гапиради. Оржоникидзе районидаги «Октябрь», «Қизил Ўзбекистон», «Правда» колхозлари, «Қизилрай» совхозида ностандарт маҳсулотларни қайта ишлаш йўли билан катта даромад олаётирлар, шу билан бирга бу маҳсулотлар шарбати меҳнаткашларга йилнинг ҳамма фаслида кўплаб етказиб берилаётир.

Нотиқ партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчиларини ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига бу йил аввалги йиллардаги планларни бажаришдаги камоматни қоплаш учун астойдил меҳнат қиламиз, деб ишонтирди.

Сўз Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Ғуломмамуд **Абдуллаевга** берилади. Колхоз қурилишининг атоқли ветерани бу йил хўжаликда ишлаб чиқариш планларини 115—120 процентга етказиб бажариш учун гайрат кўрсатиб меҳнат қилаётган колхозчилар, механизаторлар, чорва ходимлари ишн тўғрисида мароқ билан гапиради. У колхоз ерлари Тошкент шаҳри қурилиши ҳисобига кисқараётган бўлса ҳам, аммо колхозчиларнинг фидокорона меҳнати билан ҳосилдорлик йил сайин оширилиб, ерлар бут пайтдагига қараганда ҳам ҳосилнинг ялпи миқдори кўп бўлаётганлигини айтади. Полиэтилен пленкалари билан ёпилган 20 гектар ердан пландаги 280 тонна ўрнига 460 тонна бодринг олинди. Бу билан колхоз катта даромад эгаси бўлди ва шаҳарликларга маҳсулот эрта муддатларда етказиб берилди.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев картошка уруғчилиги масаласига алоҳида тўхталади. — Биз, — дейди у, — ўз далаларимизда етиштиралаётган картошка уруғини эниб, бу экиндан ҳар йили мўл ҳосил олмоқдамиз. Бу йил биз область колхозларига 800 тонна сара картошка уруғи етказиб берамиз.

Шунингдек, бу колхозда чорвачилик ҳам жуда яхши ривожлантирилмоқда. Колхоз чорвадорлари 1100 тонна сут етиштириш мажбуриятини олганлар. Саккиз ойлик якун бу социалистик мажбурият шараф билан бажарилишини кўрсатмоқда. Колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассисларни институтимизга тез-тез келиб туришга, мева дарахтлари ва узумнинг янги навларини қандай ўстиришни ўрганиб кетишга таклиф қиламиз ва биз уларнинг ҳамма талабларини тула қондириш учун сўз берамиз.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бригада бошлиғи **А. Шерматов**нинг нутқи ҳаммада катта таассурот қолдирди. У бугунги кунда ўз бригадасида 50 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни ошириш, уни эрта муддатларда етиштириш ҳисобига катта даромад олинаётганлигини кенгаш қатнашчиларига сўзлаб берди. Бригадамиз аъзолари, деди у, — очиқ майдонда экилаётган экинларнинг ҳар гектаридан 4300 сўмдан, полиэтилен пленкалари билан ёпилган ерларнинг ҳар гектаридан 7110 сўмдан даромад олмоқдалар. Бу шуни кўрсатадики, деҳқонлар ҳозирги пайтда жуда катта тажриба орттирдилар. Улар эртанги экинларни кеч кузда пленкалар тагига экиб қўймоқдалар ва баҳор оftоби ҳавони илитиши билан парваришни кучайтириб, меҳнаткашларга барвақт маҳсулот етказиб бериш йўлларини кидириб топмоқдалар. Шунинг натижасида даромадлари ошиб бормоқда. Биз пленкалар тагида сабзавот экиларни эниш ва мўл ҳосил олишни бундан кейин ҳам давом эттиримиз ва шаҳар аҳолисини деҳқончилик маҳсулотлари билан ҳамма вақт мўл-кўл таъминлаш ишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Оққўрғон районидаги «Огонёк» совхозининг директори **М. Отажонов** совхозидаги ҳосилга кирган 417 гектар узумзорнинг ҳар гектаридан бу йил 240 центнердан, 135 гектар янги ҳосилга кирган пакана дарахтли боғларнинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун совхоз коллективи қилаётган фидокорона меҳнат натижалари қувончли бўлаётганлигини сўзлаб берди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида бу йил область колхоз ва совхозлари она-Ватанга 50,5 минг тонна картошка, 300 минг тонна сабзавот, 53 минг тонна узум, 38 минг тонна мева сотишга қарор қилинганлиги айтилди.

Партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари областимиздаги барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ —ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Социалистик жамиятнинг ривожланиши, коммунистик қурилишнинг иқтисодий, социал, сиёсий ва идеологик вазифаларининг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган комплекс программалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу программалар ишлаб чиқаришда кўл меҳнати ҳажми ҳамон жуда катта. Қаноний қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган операцияларнинг 70 процентга ҳамон қўл кучи билан бажарилмоқда ёки қисман механизациялашган. Айниқса хом ашёни қайта ишлашга тайёрлаш, ивитиш ҳовузларидан олиш, ортиш ва тушириш ҳамда асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг аксарияти ҳамон сермеҳнат операциялар ҳисобланади. Фақатгина ана шу участкаларда ишларни механизациялаш қўшимча ишчи кучисиз меҳнат унумдорлигини ҳам камида 30 процент оширади, қўшимча 10 минг тонналдан кўпроқ қаноп толаси ишлаб чиқариш имконини беради.

Шуни ҳисобга олиб Советнинг саноатда юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш бўйича тармоқлараро комиссияси илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ташкилотлари билан биргаликда луб саноати корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш истиқбол планини ҳақидаги масалани кўриб чиқди ҳамда область луб заводларига ёрдам бериш юзасидан қатор чоралар ишлаб чиқди. «Ташэаготлуб» трести зиммасига илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини амалга оширишнинг бориши устидан назоратни кучайтириш, бу ишларни ўз вақтида амалга оширш учун лозим чораларни кўриш ва ёрдам бериш вазифасини юклади.

Совет мажлисида ЦНИИХПРОМ ва пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюросида тадқиқот ва патент-лицензия ишларининг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Сўнгги йилларда бу ташкилотлар коллективларида патент хизмати ташкил этилгандан сўнг янада ривожланди. Масалан, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюросида барча ихтирочилар ва конструкторлар состави ихтирочилик ва патент юритиш асослари билан таништирилди, тармоқ патент фонди ташкил этилди. «Патентчи куни» жорий қилинди. Ҳар йили энг яхши ихтиро ва бўлимларда ихтирочилик ишларини яхши ташкил этиш бўйича конкурслар ўтказиб турилибди. ЦНИИХПРОМда ҳам тадқиқот ва патент-лицензия ишларини яхшилаш бўйича анчагина ишлар қилинди. Институт ҳаммаси бўлиб 200 га яқин авторлик гувоҳномаси олди.

Совет корхоналар ва қурилишларда автоматлашган бошқарув системасини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ишларга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда Тошкент автоматлашган бошқарув системасини лойиҳалаш-конструкторлик бюросининг илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари плани ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилишда шу нарса таъкидландики, бу бюро «Ташсельмаш», Трансформатор заводларида бошқарувнинг автоматлашган системасини жорий қилиш билан шуғулланмоқда. Қатор корхоналар ва ташкилотлар билан ана шу ҳақда шартномалар тузишга тайёрланилляпти. Хисоблаш техникаси ва автоматик бошқарув системасини жорий қилиш билан шуғулланувчи бошқа қатор ташкилотларга методик ёрдам кўрсатилмоқда. Совет бюро коллективининг «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлашган системасини жорий қилиш бўйича тўплаган ижодий ташаббусини маъқуллади ва уни Ўзбекистон трактор заводида ҳам жорий қилишга тавсия этди.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи область Совети президиуми саноат корхоналарида маҳсулотни Давлат сифат аттестациясига тайёрлаш бўйича конкурс-кўрик ташкил этиш ва ўтказиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди Корхоналарга давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва умуман тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишлари жонлантириш, брakни камайтириш меҳнатни оқсонсиз усулларини кенг жорий қилишга эътиборни кучайтириш тавсия этилди. Область совети фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи шаҳар ва район Советлари ишига ҳам доим раҳбарлик қилиб турди.

Совет мўлжалланган ишлар ҳали жуда кўп. Жойларда ва корхоналар ҳамда қурилишларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлашган системасини кенг жорий қилиш бўйича ишларнинг бориши билан бундан буён ҳам доим шуғулланаверади. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи учинчи йилида областимиз меҳнаткашлари олдида турган барча вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига, социалистик мажбуриятларнинг шараф билан адо этилишига бевосита ёрдам беради.

К. ИЎЛДОШЕВА,
фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи Тошкент область Советининг аъзоси.


ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш ишларида Тошкент область партия комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тошкент область партия комитетининг Ленин районидаги партия ташкилотлари ва ишлаб чиқариш коллективларининг ишлари анча самарали бўлиши ҳақидаги илмий прогнозлар тасдиқланди.

Совет бу масалани ўрганиб, қатор ташкилотларга улама шинделлари ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни тезроқ тугаллаш ва бу ишларни ўз вақтида амалга ошириш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берди.

Шуни ҳисобга олиб Советнинг саноатда юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш бўйича Ленин районидаги «Ленин йўли» колхозида ишлаб чиқарилган ўзиюрар электр юк машинаси синовдан муваффақиятли ўтди. Машина ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Бу машина ишлаб чиқаришга жорий қилинса, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ва автоматлаштиришда катта ютуқ бўлади.

Ленин районидаги «Ленин йўли» колхозида ишлаб чиқарилган ўзиюрар электр юк машинаси ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Бу машина ишлаб чиқаришга жорий қилинса, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ва автоматлаштиришда катта ютуқ бўлади.



Бу йил республикамиз далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни ўз вақтида йиғиб олиш кўп жиҳатдан техникага боғлиқ. Буни яхши ҳис этган «Ўзбексельмаш» заводи коллективи суръатга-суръат қўшмоқда. Ҳозир завод аҳли қишлоқ меҳнаткашларига ҳар куни юзларча кўсак чувиш, сеялка ва бошқа агрегатларни пешмапеш жўнатиб турибди.

Суратда: кўсак чувиш машиналари вагонларда.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАККАЖУХОРИ ДОНИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Гектаридан олинаётган ўртача ҳосилдорлик (центнер ҳисобида).

Чиноз	58,0
Янгийўл	52,2
Оққўрғон	51,0
Бўка	50,0
Ўрта Чирчиқ	48,0
Бўстонлиқ	48,0
Пискент	43,0
Юқори Чирчиқ	42,1
Оржоникидзе	36,0
Бекобод	33,6
Калинин	33,0
Оҳангарон	16,3
Область бўйича	45,1

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Бухоро — Тошкент — Фрунзе — Олмаота ўртасида газ қувури иккинчи навбати қурилишининг биринчи участкаси муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Бу иккинчи қувур Чиноздан Тошкентни айланиб ўтиб, Черняевкагача ётқизилади. Ёқилғи ва химиявий хом ашё Қирғизистон ва Қозоғистон районларининг саноат корхоналарига, қишлоқ хўжалигига ва хонадонларга шу қувур орқали тўппа-тўғри етказилади. Шу беш йилликнинг охиригача газ қувурининг бу янги трассаси Олмаотагача етиб боради.

Иккинчи, айрим жойларда эса учинчи линиялар, тўртта компрессор станциялари магистрал газ қувурининг иккинчи навбатини ўз ичига олади. Хом ашё ва ёнилғи сингари табиий газ истеъмол қилувчи саноат корхоналари — Навоий химия комбинати, Муборакдаги газ-олтингугурт заводи, Сирдарё ГРЭСи ва бошқа шунга ўхшаш корхоналарининг кўпайиши Бухоро билан Олмаота ўртасида газ қувурининг иккинчи навбатини қуришни зарур қилиб қўйди. Шаҳарлар ва посёлкаларни газлаштириш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон коммунал секторларга газ ўтказиш суръатлари жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринда турибди. Республикадаги барча олтмишдан кўпроқ шаҳарлар арзон ёнилғи билан таъминланган, барча совхоз посёлкалари ҳамда колхоз қишлоқларининг учдан икки қисми газ билан таъминланган. Шу беш йилликда республиканинг барча қишлоқларини газ билан тўла таъминлаб бўлинади.

Газ қувури биринчи навбатининг йиллик қуввати ҳозир 13,6 миллиард кубометрга етди. 1977 йилга бориб ҳар йили сарфланадиган газ 24—26 миллиард кубометрга етади.

(ЎзТАГ).

ХИМИКЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН

Олмалиқ химиклар шаҳрида истиқомат қилувчи болалар янги қурилган мактабда ўқий бошладилар. Ёруғ ва кенг хоналардан иборат икки қаватли комплекс 1600 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, яхши жиҳозланди. Мактаб ҳузурида 350 киши сиғадиган кино зал, катта ошхона, баскетбол ва волейбол майдончалари, теннис столлари, спорт зали ва чўмилиш учун ҳовуз бор.

(ЎзТАГ).

1973 Илмий тафаккурнинг



МЕНИНГ ҲАММА ИСТАКЛАРИМ, БУТУН ВУЖУДИМ ИЛМ ТАРҚАТИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР ВА МЕН БУНИ ЎЗИМ УЧУН ЭНГ УЛУҒ БАХТ ДЕБ БИЛАМАН.

Абу Райҳон Беруний.

БЕРУНИЙ ...ҚИЗИҚҚАН СОҲАЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШДАН КЎРА, ҚИЗИҚМАГАН СОҲАЛАРИНИ САНАБ ЧИҚИШ ОСОНРОҚ.

Академик И. Ю. Крачковский.

✻

Улуғ олим Беруний ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлиб қолди. Мўйқалам усталари унинг расмларини чиздилар, ҳайкалтарошлар унга ҳайкал ясадилар. Олимнинг қатта портрети халқ усталари томонидан нпак билан тикилди.

✻

Шу юбилей арафасида олимнинг асарларига ҳам чиройли безаклар ишланди, графикамиз янги шарқ услубида ёзилган асарлар ҳисобига бойнди. Суратда: Беруний санъаткорлар ижодида.

✻



ДАҲО ҲИКМАТЛАРИ

⊙ Билим — қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

⊙ Доимо бир хил нарсага қарайберш малоллик ва сабрсизликка олиб келади.

⊙ Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросплар, ғам-ғусса бўлмайди.

⊙ Онгни эскирган, ғаразли мақсадлардан тозалаш зарур.

⊙ Одамгарчилик кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик эса ундан ҳам устун турнб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиникн эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

⊙ Мардлик — шод-хуррамлик, хайр-саховат, иффатлик, азнятдан тийилиш билан таърифланган.

⊙ Мард мардон шундай одам бўладики, эртаю-кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради.

⊙ Саводсиз кишиларнинг сезмладиган ва кўриладиган нарсага тарафкашлик қилиб қизиқиши, ҳар бир замон ва ҳар бир жойда озчиликни ташкил қилган олимлар ақлларн топадиган нарсадан уларнинг нафрат қилиши табиийдир.

⊙ Ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

⊙ Қарама-қаршиликн равшан, аён бўлган нарсага қандай инонмб бўлади!

⊙ Душманлар ҳамнша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли ундирма гаплар тарқатишга урнадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалал етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар.

⊙ Агар ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлавермайди. Уларнинг ҳар бири вужудга келишида бирданига пайдо бўлиб, йўқолишда эса бирданига йўқолиб кетмайди. Балки унинг ўзи йўқолса ҳам, у ўз ўхшашини қолдириб кетади. Ҳатто у бир нечасини қолдиради.

⊙ Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраки бўлса ҳам, ҳамиша шоду-хурсандчиликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлғон кўриладиган нарсалардан тортинади, шу билан тенглашиб, яхши тушлар кўрса хурсанд бўлади, ҳатто фол ва мунажжим [астролог]лар гапига ишонади.

УЛУҒ ОЛИМ

Кўҳна тарих солномаси саҳифаларига буюк алломаларнинг умумхалқ мулкига айланган бой ижодий меросидан келгуси қанча-қанча авлодлар баҳраманд бўлмади, дейсиз! Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам умумнисоннят маданият тарихи хазинасига муносиб дурдоналар қўшаолди. Доно халқ ичидан етишиб чиққан фан ва маданиятимиз бобокалонларининг даҳоси жаҳонни ҳайратда қолдирди, уларнинг номларини абадийлаштирди.

Улуғ мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний ана шундай буюк зотлардан биридир. У халқимизнинг буюк ифтиҳори, ижодий тафаккурнинг забардаст намояндаси сифатида эъзоз топди. Шарқда фан тараққиётининг янги даври ана шу қомусий ақл эгасидан бошланди десак янглишмаган бўламиз. У жаҳонда биринчи бўлиб ер шари глобусини яратди. Фаннинг сўқмоқларидан олға дадил интилди.

Шу кунларда улуғ олим туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари давом этмоқда. ЮНЕСКО ва шарқшуносларнинг халқаро конгресси қарори билан нишонланаётган бу сана маданиятимизнинг чинакам катта байрамига айланиб кетди. Юбилей тантаналарида қатнашиш учун совет шарқшунослари билан бир қаторда Болгария, Венгрия, ГДР, Мўғулистон Халқ Республикаси, Польша, шунингдек Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Миср Араб Республикаси, Франция олимлари таклиф этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мутафаккирининг ижодий мероси фақат Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихидагина эмас, балки бутун дунё халқлари илм-фани тараққиётида салмоқли ўрин тутади.

Беруний ғоят оғир ва мураккаб шароитда яшаб, ижод қилди. Ўша даврда жоҳил реакцион феодал кучлар зўровонлик ва зулм ўтказар, хурофот ва нодонлик ҳукм сурар, тенгсизлик ва жабрлардан афкор омма қийналар эди. Олимнинг ўзи ҳам кўп қийинчиликларга дуч келди. Ёшликданоқ сарсон-саргардонликда ҳаёт кечирди. Унинг виждон эркинлиги, ибтидоий диний эътиқодларнинг танқидига доир илмий қарашларида замонасининг ана шундай салбий томонлари ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам олим: «Илм-фан тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, аввало кишилар устидан ҳукм юритадиган шахсларнинг бурчидир. Чунки, бу дунёда яшаш учун зарур бўлган жамики нарсалар хусусидаги ташвишдан дилни озод қилиш ва руҳиятни идрок борича кўпроқ мақтовли ва мақбул нарсалар билан машғул бўлишга ундаш ана шу шахсларнинг иши... Аммо, бизнинг давримизга биз юқорида айтганимиз эмас, балки унинг тескариси хосдир» деб ёзди.

Беруний том маънодаги энциклопедист олим эди. У астрономия, математика, физика, геология, тарих, фалсафа, филологияга доир бир қанча нодир асарлар яратди. «Утмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Геодезия» каби асарлари босилиб чиқди. Унинг оламни билиш масаласига оид қарашлари катта илмий аҳамиятга эга. «Дунёнинг асосини моддий борлиқ ташкил қилади. Бу моддий борлиқ ҳаво, олов, сув, ердан иборат» дейди у. Одам азалий, фалак чексиз бўшлиққа жойлашганлигини айтиб, ҳаракат материядан ажралмас деган фикрни олға сурди.

Беруний ҳақиқий инсонпарвар ва интернационалист олим эди. У халқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни доим юксак қадрларди, инсонларнинг ирода эркинлигини ҳимоя қилди. Унинг номи кенг тарқалди. У ҳатто юнон ва рим олимлари қаторида Гомер ижоди билан таниш бўлган, ўз асарларида улардан намуналар келтирган.

Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Фаробий, Улуғбек каби олимлар қатори Берунийнинг асарлари XI асрдан бошлабоқ дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинди. А. Н. Радишчев фаол иштирок этган «Иртиш» журналининг 1793 йил апрель сонида Абу Райҳон Беруний ҳақида мақола босилди. Бу — буюк олим тўғрисида рус матбуотида босилган биринчи асар сифатида аҳамиятлидир.

«Мен шундай шараф кийимларни қўлга кирита олдимки, буларнинг хотираси ва ялтироши менинг қолдирган меросим каби келгусида йиллар ва насллар орқали давом этади» деб келажакка катта умид билан қараган эди. Улуғ мутафаккир олим ва энциклопедистнинг бой мероси фақат Совет давридагина чинакам халқ мулкига айланди. Жонажон Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати туфайли барча маданий мерос халқ қўлига топширилди. Беруний ижодининг кўп жилдли нашрларининг рўёбга чиқаётганлиги маънавий маданиятимиз тарихини ўрганиш ва замонамизга хизмат қилдиришда катта аҳамиятга эгадир. Бунда, айниқса Беруний номли Шарқшунослик институти олимларининг самарали ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Беруний туғилган кунининг 1000 йиллиги инсонларнинг ана шундай ишларини янада ривожлантиришга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ленинча принципларга изчил амал қилишга, ҳаётимизни янада гўзаллаштиришга, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизда ахлоқ нормаларини мустаҳкамлашга, ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини тарбиялашга, ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Беруний ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг бой меросидан баҳраманд бўлиш, ундан ўрнак олиш ҳозирги замон олимларининг муқаддас бурчидир.

ТАЪЗИМ

«Бугунги кунда Абу Райҳон Берунийни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма яхши билади, унинг номини фахр билан тилга олади. Бу зотнинг буюк олим бўлиб етишишига маълум ҳиссасини қўшган устозлардан бири Абу Наср Мансур ибн Ироқ ал-Жилидир.

Устознинг туғилган ва вафот этган йили маълум эмас. Маълумотларга қараганда, у X аср охирларида 50 ёшларда бўлган.

Абу Наср илмда кўп иш қилди. Унинг илмий фаолияти диққатга сазовор. У фаннинг математика ва астрономия соҳаларига оид бир қатор рисолалар ёзган. Фавқулодда серунум меҳнат қилган буюк олим бўлган. Умар Ҳайём Абу Наср ҳақида «Математика фани билан шуғулланувчи олимларнинг буюги» деб айтган эди.

Берунийнинг «Геодезия» деб аталмиш йирик асарида келтирилган қуйидаги:


«Кўп кунларим яхши одамлар соясида ўтди.

Ҳурмат погонасидан аста-аста юқориладим.

Ироқлар оиласи оқ сут бериб катта қилди.

Оиланинг Мансури мени ўз тарбиясига олди».

деган мисралар биринчи устози Абу Наср бўлганидан далолат беради. Шунинг учун бўлса керак, Беруний қарилик чоғларида ҳам ўз устозининг номини чексиз миннатдорчилик ва зўр ҳурмат ҳисси билан тилга олади.



Ушбу асарда таъкидланишича, Беруний ёшлигиданоқ етим қолиб, Абу Наср оиласида тарбияланади. Математика ва астрономиядан Абу Насрдан илм ўрганади.

Агар Берунийнинг илмий фаолияти жуда эрта — 17 ёшга етар-етмас бошланган бўлса, бу албатта, биринчи галда унинг беқиёс истеъдодли эканлигидан, иккинчидан Абу Наср-дек кучли олимдан таҳсил кўрганлигидан.

1947 йилда Ҳайдарободда Абу Насрнинг севимли шогирди Берунийга бағишлаган математика ва астрономияга оид 15 рисоласи араб тилида чоп этилди. Унда «Қуёшнинг ҳолатлари ҳақида китоб», «Минутлар жадваллари ҳақидаги рисола», «Евклид Асосларига шарҳ», «Осмон сфералари ҳақидаги рисола» ва бошқа асарлар тилга олинган.

Нодир асарнинг фотокопияси Москвадаги В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонасида сақланмоқда.

Дунёда сферик учбурчаклар учун мавжуд синуслар теоремасининг энг кучли исботи Абу Наср қаламига мансубдир. Бу ҳақдаги муфассал маълумотлар унинг «Шарҳ» асарида келтирилган.

Насриддин Тусий ўзининг дунёга машҳур «Тўлиқ тўрт том ҳақида» деб номланган асарида Абу Насрнинг юқорида айтиб ўтилган исботидан фойдаланади ва бунинг сабабини тушунтириб беради. Унинг таъкидлашича, бу асар узоқ давр мобайнида мутахассисларнинг диққат марказида турган ва шуҳрат қозонган.

Насриддин Тусий тригонометрик илмни фан сифатида юзага келтирган олим ҳисобланади. Абу Насрнинг тригонометрия фанини яратишда ҳам катта ҳиссаси бор.

Абу Насрнинг асарлари ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Уларнинг баъзи бирлари тарихчилар томонидан ҳозир тадқиқ қилинмоқда.

Т. ДОМАЕВ,
ЎзССР Маориф министрлиги Олий педагогика ўқув юртлари бўлимининг инспектори.



Олимнинг миниг йиллик юбилейи муносабати билан унинг қатор асарлари босилиб чиқди. «Геодезия» ва шунга ўхшаш асарлари китобхонлар жовонидан ўрин олди. Шунингдек, берунийшунос олимларнинг у ҳақда ёзган илмий ишлари босилди.

Беруний асарлари ҳозирда ҳам совет олимлари томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, нашрга тайёрланмоқда.

А. АБАЛЯН фотолари.

БЕБАҲО ХАЗИНА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев «Узбек халқининг қадимий маданияти социализм галабаси туфайли қайта тикланди ва янги мазмунга эга бўлиб, гуллаб яшнади, бу маданият бутун халқнинг мулки бўлиб қолди» деган эди. Бу фикр Берунийнинг минг йиллигига бағишланган кўргазма материалларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг улуғ ўтмишдоши қолдирган меросни ҳозирги авлодларимизнинг бойлигига айлантириш учун кейинги йилларда катта ишлар қилинди.

Кўргазма Беруний фаолиятининг кўп қиррали жиҳатларини очиб беришни, унинг меросидан илм аҳли қанчалик самарали фойдаланаётганлигини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Чиройли қилиб безатилган шитларда Абу Райҳон ал-Берунийнинг биографияси қисқача баён қилинган. Шу ерда олимнинг кўпгина замондошлари: буюк математик ва астроном Ибн ал-Ироқ, табиб, табиатшунос ва файласуф Абу Саҳл ал-Масиҳий, таниқли астроном, осмон жисмларини ўрганиш асбобларини ижод қилган Абу Маҳмуд ал-Хўжандий, буюк математик ва астроном Абул Вафо ал-Бузжоний, Ўрта Осиёнинг буюк ҳакими ва файласуфи Ибн Синолар билан таништирилади. Беруний илм-фан осмонининг юлдузлари бўлган ана шу зотлар билан бирга нафас олган, ҳамкорликда ишлаган. Тамошабин олим ҳаёти давомида бўлган жойлар билан танишади.

Кўргазма Берунийнинг география фанлари соҳасидаги асарлари билан ҳам таништиради. Жумладан, шчитлардан бирида Ер шари тасвирланган. Унда қитъалар, океанлар ва ярим шарлар қутбларининг номлари келтирилади.

Олим минерология соҳасида катта кашфиётлар қилди. Кўргазмада солиштирма оғирликни аниқлаш учун қўлланилган тошларнинг нусхалари ҳамда X асрда тоғ биллуридан ясалган заррабин сурати бор.

Экспонатлар орасида Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреатларига бериладиган медал кўрсатилган. Ана шу мукофотга сазовор бўлган Ўзбекистонлик етук олимларнинг фотосуратлари бор. Ҳозиргача республикамиз олимларидан 101 киши бу фахрли мукофотга сазовор бўлди. Биринчи бўлиб уни академиклар М. Т. Ўразбоев, Т. А. Сарымсоқов, С. Ю. Юнусов, И. М. Мўминов ва бошқалар олган эдилар.


Кейинги шчитларда Беруний номи билан боғланган жойларнинг фото суратлари қўйилган.

Беруний кўргазмасига материалларни тайёрлаш жуда катта меҳнатни талаб қилади. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари бир қатор илмий-тадқиқот институтлари олимларининг ёрдамига таяниб, минг йиллик тарихни тиклаб, кўз олдимизга келтира билганлар.

С. МУСАЕВ.

Буюк сиймоси





Кўзни қувонтирувчи баҳаво, кўркам кўча ва бир-биридан шинам биноларга бир назар ташланг. Савлат тўкиб турган «Дўстлик» савдо маркази, почта-алоқа бўлими, маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати, қўйингчи, ошхонадан тортиб ҳамма-ҳаммаси аҳолига хизматга муntазир.

Суратда: Тошкент областидаги «Политотдел» колхози марказининг бугунги қиёфаси. В. СИРОТКИН фотоси.

СССР РАССОМЛАР АКАДЕМИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАКТУБИ

Биз, СССР рассомлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари СССР Фанлар Академияси аъзоларининг «Правда» газетасида эълон қилинган норозилигини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб, академик Сахаровнинг туҳматдан иборат гапларини қатъиян қоралаймиз. Биз унинг ҳўлқини Совет олими деган юксак номга муносиб эмас деб ҳисоблаймиз. Бутун илғор инсоният Совет Иттифоқининг ва социалистик лагердаги барча мамлакатларининг тинчлик учун изчиллик билан олиб бораётган курашини тўла қувватлаётган бир пайтда (капиталистик мамлакатлардаги оқилона фикр юритувчи сиёсатчилар ҳам шу кураш билан ҳисоблашмоқдалар), халқаро кескинликни юмшатиш йўлида муҳим силжишлар пайдо бўлган бир пайтда,—бошқа бир кутбда ошадиган бўҳтон ва советларга қарши туҳмат билан чиқаётган барча реакцион кучлар активлашмоқда. Академик Сахаров билан ёзувчи Солженицинниинг чиқишлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Совет социалистик тузумига бўҳтон ёғдириб ҳужум қилаётганлар билан объектив қўшилиб кетмоқда.

Составида кўп миллатли Совет рассомлари катта коллективининг атоқли намояндалари бўлган рассомлар Академияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, унинг Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ленинча тинчликсевар сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини изҳор этади.

М. К. Аникушин, Е. В. Вучетич, А. М. Грицай, У. М. Жапаридзе, В. И. Касиян, В. С. Кеменов, А. П. Кибальников, Е. А. Кибрик, П. Н. Крилов, М. В. Куприянов, А. К. Лебедев, Д. А. Налбандян, Ю. М. Непринцев, В. М. Орешников, Ф. П. Решетников, В. Ф. Риндин, Н. А. Соколов, П. М. Сисоев, У. Тансиқбоев, Н. В. Томский, Д. А. Шмаринов.

ЖИРКАНЧ УРИНИШ

Колхозчиларимиз академик Сахаровнинг номатлуб ҳаттиҳаракатларидан ғоятда дарғазаб бўлишди, КПССнинг ташқи сиёсатига, халқаро вазият юмшашига қарши гарбдаги турли реакционерларнинг эътироз билдиришини, ҳар ҳолда, кутиш мумкин...

Биз, совет кишилари бундай баёнотларни Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини қабиҳ ёмонлаш, капиталистик давлатларни «совуқ уруш» замонларига қайтишга даъват қилиш, бизнинг давлат тузумимизга ва ижтимоий тузумимизга бўҳтон қилиш деб баҳолаймиз. Сахаровнинг бундай хатти-ҳаракати барча совет кишилари сингари бизда ҳам чуқур газаб, нафратланиш ва қоралаш ҳис-туйғуларини уйғотди.

Тошкент область Чиноз район Киров номли колхозидаги бригадамиз аъзолари Сахаровнинг тутган позициясини совет олими деган юксак номга муносиб деб ҳисоблайди. Биз СССР Фанлар Академияси аъзоларининг, коллективлар, корхоналар ва ташкилотлар барча совет кишиларининг мактубларидаги гапларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Бу мактубларда Сахаровнинг қабиҳ хатти-ҳаракати қатъий қораланган.

Бригада аъзолари номидан 5-бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР Олий Советининг депутати Т. Охунова, бригада аъзолари: Б. Тилланазаров, К. Соатова, Х. Ҳамроқулов, Е. Ниёзматов, И. Алимов, Т. Раҳимов, Ж. Холиқов.

ФУТБОЛ

ЕВГЕНИЙ ГОРЯНСКИЙ:
ЭКСПЕРИМЕНТЛАР ДАВРИ ТУГАДИ

— 5 сентябрда менинг шогирдларим ГФР терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказса-да, биз бу ўйинга жиддий тайёрланмоқдамиз,— деди АПН мухбири Борис Каймаковга футбол бўйича СССР терма командасининг катта тренери Евгений Горянский.

Бу мавсумни совет футболчилари учун муваффақиятли бўлди деб айтолмаймиз. Улар жаҳоннинг етакчи командалари билан учрашдилар (Англия футболчиларидан 1:2 ҳисобида, бразилияликлардан 0:1 ҳисобида енгилиб, Швеция командаси билан дуранг қилдилар — 0:0). Лекин бу учрашувлар экспериментал характерда эди. Шунинг учун совет матбуоти катта тренернинг халқаро учрашувларда ижоли борича кўпроқ ёш футболчиларни синаб кўришга интилишини ижобий баҳоладди. Асосий мақсад жаҳон биринчилигининг финалига чиқиб олиш-да. Бунинг учун қўшимча учрашувларда Чили терма командасини енгиш зарур.

— ГФР футболчилари билан учрашув контроль ўйинидир. Жаҳоннинг энг яхши футболчилари билан ўйнаш ҳамиша қизиқарли бўлади,— давом этди Горянский.— Бундай рақиблар билан ўйинлар вақтида ўз камчиликларингни пайқашинг осон. Негаки, рақиб уларни дарҳол кўрсатиб қўяқолади. Лужникидаги 103 минг томошабинни сигдира оладиган Ленин номли стадионнинг катта спорт аренаси лиқ тўлишига шубҳа қилмайман.

Биз ГФР терма командаси билан учрашувни энг охирги қўйғанлигимиз тасодифий эмас. ГФР терма командаси билан бўлган ўтган йилги ўйинлардан сўнг айрим қатъий чоралар кўрилган эди. Бу чоралар футболимизда қандай натижа берди? Бўлажак ўйин мана шу саволга жавоб бериши керак.

— Тушунишимча, сиз ГФР футболи тўғрисида жуда яхши фикрдасиз. Бу командаиинг нимаси сизнинг эътиборингизни кўпроқ тортади?

— Менинг баҳоларим бошқа мутахассисларнинг фикридан фарқ қилмайди. ГФР командаси рационал футболни ҳаммадан яхшироқ намойиш эта олади. Унинг ўйини ҳамма вақт оддий, бундай қараганда жуда содда кўринади, аслида эса унинг заминида юксак маҳорат ётади.

Футболимиз келиб чиқиши жиҳатдан бразилиялик ёки италиялик-ларнинг ўйин манерасидан кўра инглизлар ва ГФР командаларига анча яқин туради, деб қатъий айта оламан.

Ўйинчилар орасида менга Беккенбауер, Кетцер, Мюллер айниқса ёқади.

— Сиз терма командага келишингиз билан командаиинг ҳужумкорлик кучи сезиларли даражада ортди. Чамаси сиз ҳужумкор футбол тарафдори бўлсангиз керак?

— Мен фақат ҳужумни ўйлайдиганлардан эмасман. Ҳамма нарса вазиятга ва конкрет командага боғлиқдир. Мен тезкорлик билан ҳужум қилиш тактикасини актив ҳимоя билан қўшиб олиб боришга интиламан.

— Командани комплектлаш вақтида сиз қийинчиликни ҳис қиласизми?

— Бу саволга йўқ деб жавоб берадиган биронта ҳам тренер дунёда бўлмаса керак. Бизда шунисн бошни қотирадики, бир ўринга жуда кўп номзод бор-ў, баъзан улардан қатъий бир одамни танлаб олишга қийналасан.

Бизда ҳамма жойда футбол кенг тарқалган. Футболчиларнинг ихтиёрида уч мингдан ортиқ стадион, 65 минг стандарт футбол майдонлари бор. Бундай оммавийлик келгусидаги оптимизм учун асос бера олади.

Бўлажак матчдаги команда составн ҳақида сўрашингизни олдиндан билиб турибман. Биз 19 ўйинчини танлаб олдик.

Дарвозада, чамаси, Киев «Динамо»сининг соқчиси Евгений Рудаков турса керак. Бу новча йигит (бўйи 186 сантиметр) мана тўрт йилдирки, миллий терма команда шарафини ҳимоя қилмоқда. Рудаковни Яшининг ўринбосари деб аташлари бежиз эмас.

Унинг дублёри сифатида ёш Москва динамочиси Владимир Пильгуйни кўрсатиш мумкин. У жуда яхши реакцияга эга, маҳоратли дарвозабон бўлиб қолиши учун ҳамма жиҳатлари бор.

Ҳимояда тажрибали Муртаз Хурцилава ажралиб туради. Тбилиси «Динамо»сининг 30 ёшлик бу ўйинчиси уч йилдан буён команда капитани ҳисобланади. У жисмоний жиҳатдан бақувват, чарчамайдиган, бор кучини ишга сола биладиган ўйинчи. Хурцилава ўқтин-ўқтин ҳужумга қўшилиб туради, баъзида кучли зарб билан мўлжалга тепади. У киритган голлар одатда ўйинда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Қанот ҳужумчилари орасида терма команда капитанининг клубдоши Реваз Дзодзуашвили ва Евгений Ловчевни (Москванинг «Спартак» командасидан) таъкидлаш керак. Улар ҳужумчиларга яхши кўмаклашиб туришади, тезкор ўйинчилар. Ловчевни 1972 йил совет журналистлари мавсумнинг энг яхши футболчиси деб ҳисоблаган эди.

Яримҳимоя чизиғи ҳам чакки эмас. Бу ерда Владимир Мунтян ва Владимир Колотов ажралиб турадилар. Одатда, улар майдоннинг марказини эгаллаб олиб, шу ердан ҳужумни бошлайдилар.

Бугунги кунда миллий командамизнинг ҳужумчилари ҳаммадан кўра кўпроқ таъна эшитмоқда. Менинг назаримда, бизнинг барча ҳужумчиларимиз учун характерли нарса — бу юқори тезкорликдир. Айниқса, қанот ҳужумчилари Евгений Еврюжихин ва Олег Блохин жуда тез ҳаракат қилишади. Агар улар тўп киритиш ҳолатларидан самаралироқ фойдаланишса, терма команданинг ўйини анча натижалироқ бўларди...

Шуниси характерлики, терма командаиинг кўпчилик аъзолари студентлардир. Горянский ўз шогирдларининг олий маълумот олишга бўлган интилишини рағбатлантирадими? Бу менинг терма команда катта тренерига берган охирги саволим эди.

— Биз СССР терма командаси ўйинчиларининг ҳар томонлама етук кишилар бўлишига интиламиз. Шунинг учун спортчиларнинг ўқишига иложи борича ёрдамлашамиз. Бу масалага бошқача муносабат бўлиши мумкин эмас.

(АПН).

Дунё ХАБАРЛАРИ.

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

НАРХЛАР ОШИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТДА

ВАШИНГТОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Қўшма Штатларда бу йил анъанавий «меҳнат куни» қимматчилик тўхтовсиз ошиб бораётган ва Америка меҳнаткашларининг турмуш даражаси янада пасайиб бораётган шароитда нишонланади. Байрам муносабати билан радио ва телевидение орқали гапирган касаба союз арбоблари ҳукуматнинг иқтисодий стабиллаштириш программалари бажарилмай қолганлигини айтиб ўтишди.

Автомобиль, аэрокосмик саноати ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишчилари бирлашган касаба союзининг раиси Л. Вудкок, америкаликлар қийин вақтларни бошдан кечирмоқда, йирик корпорациялар олаётган фойда эса тобора кўпаймоқда, деди.

Металлургия саноати ишчилари бирлашган касаба союзининг раиси И. Эйбл ҳукуматнинг монополияларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини танқид қилди. Ҳукумат, деди у, нархларнинг ошиб бораётганлигига амалда тўсқинлик қилмасдан кишиларнинг иш ҳақини кўпайтиришни чеклаб қўйиш чораларини кўрмоқда.

ТЕРРОР ВА РЕПРЕССИЯ СИЁСАТИ

ДАМАШҚ, 3 сентябрь. (ТАСС). Тель-Авив маъмурлари Исроил томонидан босиб олинган араб территорияларининг аҳолисига нисбатан террор ва репрессия сиёсатини давом эттирмоқдалар. Яқинда Наблус шаҳрида Исроил ҳарбий судининг бош прокурори фаластинлик 26 кишининг ишини судга топширди. Фаластин информация агентлигининг хабар беришича, қамоққа олинганларнинг ҳаммаси яширин ташкилот тузилишида ва араб аҳолисини Исроил оккупациячи режимига қаршилик кўрсатишга даъват этувчи варақаларни тарқатишда айбланади.

Исроил маъмурлари, деб хабар беради агентлик, Тулкарм, Наблус ва Женин шаҳарларида неча юзлаб студентларни қамоққа олдилар. Бу студентларнинг кўпчилиги турмага ташланди. Қамоққа олинганлар орасида ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам бор.

ГИЁВАНДЛАР БИЛАН КУРАШ

БОНН, 3 сентябрь. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг Гисен шаҳрида полиция қора дори сотувчилар билан курашни кучайтириб, катта операция ўтказди. Темир йўл вокзалларини ўраб олиб тутиш вақтида юз нафардан кўпроқ киши қамоққа олинди. Улар орасида Америка ҳарбий хизматчиларидан 42 киши бор. Кўп миқдорда ҳал хил қора дорилар мусодара қилинди.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ, 3 сентябрь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливанга қарши иғвогарликни давом эттирмоқдалар. Якшанба куни Исроилнинг тўртта самолёти мамлакатнинг жанубида осмон чегарасига бостириб киришди ва бир неча қишлоқ устидан айланиб ўтдилар. «Аннаҳор» газетасининг хабар беришича, Исроил ҳарбий самолётлари шу куни Тир шаҳри районида Ливаннинг осмон чегарасини бузди.

ФИТНА ФОШ БЎЛДИ

САН-ХОСЕ, 3 сентябрь. (ТАСС). Коста-Рика давлат хавфсизлик министри Фернандо Вальверде Вега ҳукумат мамлакатда «Озод Коста-Рика» ҳаракати фашистлар ташкилотининг уюштирган фитнасини фош этганлигини бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида маълум қилди. Шу фашистлар ташкилоти баъзи марказий Америка давлатларидаги ўнг ташкилотларнинг вакиллари қатнашганлиги аниқланди.



Чилилик ёшларнинг аксарияти Халқ бирлиги ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда. Мингларча ёш ватанпарварлар аҳолини озиқ-овқат ва ёқилғи билан таъминлаш ишига бош қўшиб, кўнгиллилар сафида меҳнат қилишмоқда.

Суратда: Давлат техника университети студентлари Сантьягода ишчи кварталларига керосин етказмоқдалар. ТАСС фотохроникаси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 20.30 — Пахта терими кундалиги. 20.45 — Ахборот. 21.00 — **Оламга саёҳат.** 22.00 — «Вақт». 22.35 — **Футбол:** СССР — ГФР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.45 — МОСКВА. 17.20 — Янгиликлар. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — Телефильм. 18.30 — Концерт. 19.30 — Спорт кўрсатуви. 20.00 — АҚШда Совет цирки. 20.35 — **Мени топ, Леня** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 22.30 — Карл Либкнехт номли коммуна мактабининг собиқ ўқувчилари билан учрашув. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Телефильм. 20.55 — **Шамол** (фильм-опера).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5|IX да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5|IX да **Кумуш тўй,** 6|IX да **Ўжарлар.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Комедиантлар (16.00, 19.00, 21.30). **Сенинг бошингга ҳам тушса** (12.00, 14.00): — «ЎЗБЕКИСТОН».

Тасодифий адрес — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (12.00, 13.30, 15.00, 16.30, 18.00, 19.30, 21.00), «СПУТНИК» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00), «ЧАЙКА» (14.00, 18.00, 20.00).

Михай ботир (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 20 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, 10.40, 14.00, 17.00, 20.00), «КУЧА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Решма ва Шера: Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.15).

Бошсиз чавандоз — «ЧАЙКА» (10.00, 12.00, 16.00, 21.45), «ВОСТОК», «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Фантомас (2, 3 серилари) — ҲАМЗА номли (10.00, 13.30, 17.00, 20.30).

Мессе фермасининг сири — «СПУТНИК» (20.00, 22.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Ҳур қизлар — «РАКЕТА».

Бўғиздаги тош — ТЕЛЬМАН номли.

Тасодифий адрес — «ФЕСТИВАЛЬ».

Михай ботир (2 серия) — «ХИВА».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

8, 9 СЕНТЯБРДА

XVI ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЎСТЛИК КАРНАВАЛИ УТКАЗИЛАДИ

ҲАММА КАРНАВАЛГА!

Карнавал костюмлари ва масканларини тайёрланг!

ЭНГ ЯХШИ КАРНАВАЛ КОСТЮМИ БОҒ МАЪМУРИЯТИ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ.

Карнавал билетлари боғ кассасида сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

6, 7 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон халқ шоири УЙҒУН

„АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ“

(2 пардали драма)

Саҳнага қўювчи режиссёрлар — СССР халқ артисти, СССР давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари лауреати О. ХУЖАЕВ ва Б. ИУЛДОШЕВ.

Режиссёр ассистентлари — М. АЗИМОВ, Е. САЪДИЕВ.

Рассом — Г. БРИМ.

СПЕКТАКЛДА: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: З. МУҲА. МАДЖОНОВ, Х. НАРИМОНОВ, Ж. ТОЖИЕВ, М. УМАРХУЖАЕВ, О. ҲАСАНОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Р. ИБРОҲИМОВА, С. НОРБОЕВА, Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ, М. ОРИПОВ, Т. ХОНТУРАЕВ, Х. ЮНУСОВ, Р. ЎЕҚУБОВ ва бошқалар қатнашадилар.

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИГА

Темир йўл цехининг дизелли электр кран машинисти, поездларни тузувчилар, вагон тозаловчилар, аппаратчилар, газ ва аммиак компрессорлари машинистлари, химия ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, электр слесарлари, ҳарбийлаштирилган соқчиликда ишлаш учун ёши 18 дан 40 гача бўлган аёллар

КЕРАК

Елғиз кишилар яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланади. Олий ва ўрта махсус таълим олиш учун барча имкониятлар яратиб берилади.

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳар, 8-алоқа бўлими.

«ГЛАВМОСПРОМСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ 28-«МОССТРОЙ» ТРЕСТИГА

Москва шаҳридаги қурилишларда ишлаш учун Совет Армиясида хизматини ўтаб келган ёлғиз кишилар ва ёши 18 дан кам бўлмаган аёллар

КЕРАК

Трест Москва шаҳридаги саноат қурилишининг талайгина ҳажмини амалга оширади ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ташқари барча умумий қурилиш мутахассисликларидаги ишчиларни

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Трестнинг ёлғиз кишиларни Москва шаҳрида прописка қилиш учун лимити бор ва ётоқхона билан таъминлайди.

Мурожаат учун адрес: Москва шаҳар, М—49, Шаболовка кўчаси, 17-уй, телефон 236-40-66.

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда троллейбус ҳайдовчилари тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсга кирганлар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар ва 60 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

84-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973—1974 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассислар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

Дурадгор — мебелчилар, метро-сигнализация монтёрлари, слесарь-сантехниклар, бўёқчи-сувоқчилар ўқиш муддати уч йил; метро сигнализация монтёрлари, дурадгорлар ўқиш муддати икки йил; сувоқчилар, наққошлар, ғишт терувчилар ўқиш муддати бир йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшли 7—10 синфни тамомлаган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Уч йил ўқиганлар етуклик ҳужжати (ихтисоси) бўйича аттестат оладилар.

Ўқиш даври иш стажига киради.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси ҳақининг 33 процентн қўлга берилади.

Ўқувчиларга ўқиш давомида 25 сўмдан 38 сўмгача стипендия берилади. Ўқувчилар бир марта поездда текин юриш ҳуқуқига эга (отпуск даврида). Билим юртини битирганлар сиртқи ва кечки олий ўқув юртига конкурссиз қабул қилинади.

Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўча, 113-уй. (15, 26, 30-автобусларнинг «СТО» заводи бекати).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

В. 1813. Индекс 64633.

Р—17873.